



№4/2024

ANDIJON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

ADPI
Ilmiy xabarnomasi



ADPI Ilmiy xabarnomasi

№ 4 2024-noyabr

**Jurnal 2023-yildan
chop etilmoqda**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi Axborot va
ommaviy kommunikatsiyalar agentligi
tomonidan 2022-yil 25-oktyabrda
№ 045013 raqam bilan ro'yxatga olingan
ISSN 2181-4309

O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan
va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining 2024-yil 8-maydagi
№354-sonli qarori bilan **Pedagogika
fanlari** bo'yicha Oliy attestatsiya
komissiyasining dissertatsiyalar asosiy
ilmiy natijalarini chop etish tavsiya
etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga
kiritilgan.

Tahririyat manzili:
170100 Andijon shahri, "Do'stlik"
ko'chasi, 4uy, 216-xona.
Electron manzil: info@adpi.uz
Telegram: ADPI_Ilmiy_xabarnomasi
Telefon raqamlari: +998 91 484 40 90

4/8

Издательство "Fan ziyosi".
Лиц. № 308197041.
Адрес: Тошкент, ул. А.Наваи - 30

BOSH MUHARRIR:

B.M. Rasulov- tarix fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul muharrir:

B.A. Sirojiddinov- biologiya fanlari doktori (DSc), professor

TAHRIR KENGASHI

S.Z. Zaynobiddinov- O'zRFA akademigi

I.R. Asqarov- kimyo fanlari doktori, professor

Yu. Isayev- kimyo fanlari doktori (DSc), professor

Sh.X. Yo'lchiyev- fizika-matematika fanlari doktori, (DSc), professor

R. Aliyev- texnika fanlari doktori, professor

A.E. Zaynabiddinov- biologiya fanlari doktori, professor

B.X. Amanov- biologiya fanlari doktori (DSc), professor

A.A. Egamberdiyev- falsafa fanlari doktori (DSc), professor

M.V. Xalimova- psixologiya fanlari doktori (DSc), professor

Sh.J. Yusupova - pedagogika fanlari doktori, professor

Z.E. Azimova- pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

M.B. Artiqova- pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

V.A. Qodirov- pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

N.J. Abdullayeva- pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

M.A. Tojiboyeva - filologiya fanlari doktori, professor

Sh.A. Xaitov- tarix fanlari doktori (DSc), professor

D.M. Isroilova - pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent

M.K.Pozilov -biologiya fanlari doktori (DSc). Professor

Sh.A. Xasanov - pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), professor

A.A. Zapparov- texnika fanlari nomzodi, professor

U.A. Saliyev- tarix fanlari nomzodi, professor

T.T. Kaziyeva- pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent

F.F. Usmanov- filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

U.A. Usmanova- pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent

L.A. Muxammadjonova- falsafa fanlari nomzodi, professor

Q.Ibaybullayev- falsafa fanlari nomzodi, dotsent

D.T. Samatov- pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

O'M. Muxtarov- falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

S.N. Yusupova- tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

B.M. Do'monov- pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

T.Parpiyev- falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

E.A. Tajimirzayev- tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

K.Sh.Karimov - tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

A.A. Yuldashyev- biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

M.J.Abduraxmonova - biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

M.M. Muydinova- fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

J.B.Qoraboev- filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

N.T. Mo'ydinov- kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

D.A. Sobirova- filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

E.B. Abdullayev- falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

M.Sh.Alimova - siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

M.M.Rejapova- biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

L.S.Yunusov - biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Muharrirlar:

O.Karimov,

U.Malikova,

B. Mashrabova.

MUNDARIJA

Ijtimoiy-gumanitar fanlar

Rasulov B.M., Ergasheva M.A. Talabalarda ijtimoiy faollik ko'nikmalarini tarixiy bilimlar asosida takomillashtirishning pedagogik aspektlari	3
Egamberdiyev A.A. Innovatsiya haqidagi ayrim mulohazalar	9
Мохоров Д.А. Антикоррупционное мировоззрение в контексте духовно-нравственного просвещения	12
Мохоров Д.А. Духовно-нравственное просвещение в концепции противодействия коррупции государств – участников содружества независимых государств	17
Parpiyev M.T. Shaxs ma'naviy kamolotida ajdodlar ilmiy merosining o'rni	21
Komilova X.T., Rasulova B.A. Xotin-qizlarni ilm-fan taraqqiyotidagi faoliyati ilg'or xorijiy tajribalar	31
Axmadaliyev X.U. Siyosiy faoliyat turlari	27
Kurbanova M.T. Oila tarbiyasida tarixiy qadriyatlarimiz, ma'naviy- ma'rifiy islohotlarning o'rni	37
Iminov O.N. Falsafiy ta'limda talabalarni g'oyaviy-estetik tarbiyalash metodikasi	39
Ruziyev N.M. Kulol Mirzabaxrom Abduvaxobov maktabining tarixi va o'ziga xos an'analari	42
Abullayeva N.A. Kashtachilik buyumlarining ijtimoiy-madaniy turmushdagi ahamiyati va tarixi	45
Алимова М.Ш. Жамоатчилик назоратининг ижтимоий-фалсафий моҳияти	51

Aniq va tabiiy fanlar

G'opirov K.G. Kimyo ta'limida steam yondashuvning amaldagi holati	55
Do'monov B.M., Pozilov M.M. Amaliy mazmundagi masala va mashqlar hamda uy tajribalarning ta'lim jarayonidagi o'rni	58
Yunusova L.K., Xaqulova M.SH., Maxkamova M. A., Tuychiyeva D.S., Xasanova Sh.A. Pestisid topazni mosh o'simligi urug'ining ayrim fiziologik jarayonlariga ta'siri .	62
Mamajanova U.Z., Kodirov M.A., Muydinov N.T. Kimyo fanini o'qitishda ilg'or metodlardan foydalanish	69
Zuxriddinova N.N. Yurtimizda xalq hunarmandchiligining rivojlanishi va bo'lajak texnologik talim o'qituvchilarining kasbiy mahoratini oshirish	72
Mo'minova M.M. Elektron ta'lim muhitida raqamli mediakompetentlikning afzalliklari	74
Abdurahmonova M.J., Muxsinboyev O.M. O'qituvchi pedagogik kompetentligini oshirishni takomillashtirish (biologiya fani o'qituvchisi misolida)	78
Raxmonov O.M. Virtual texnologiyalar vastasida talabalarning kaspiy dunyoqarashi va tafakkur qobiliyatlarini rivojlantirish	80
Raximova D.A. HTML teglari va CSS stillardan foydalanib veb sahifaga login va parol hosil qilishni o'rganish	83
Toxirov A.A., Toxirova M.M. Raketaning tarkibiy qismlari va raketa dvigatellarini ishlash prinsipini zamonaviy tadqiqot usullari va matematik statistika yordamida o'rganish	88

Аннотация. Юксак тараққий этган давлатлар, фуқаролик жамиятлари ва бошқаларни жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиш қийин. Сабаби бундай жамиятларда жамоатчилик назорати юксак ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб жамоатчилик назорати кучли ёки етарл даражада бўлмаган давлатларда фуқаролик жамиятининг шаклланишини иложсиз десак мақсадга мувофиқдир. Мазкур мақолада жамоатчилик назоратининг жамиятимиздаги ўрни, аҳамияти, вазифалари ва ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, фуқаролик жамияти, назорат, субъект, қонун, жамоатчилик назорати, фалсафа.

Аннотация. Трудно представить себе высокоразвитые страны, гражданские общества и т.п. без общественного контроля. Причина в том, что в таких обществах общественный контроль занимает высокое место. Исходя из этого уместно сказать, что формирование гражданского общества невозможно в странах, где общественный контроль недостаточно силен или достаточен. В данной статье представлена краткая информация о роли, значении, задачах и социально-философской сущности общественного контроля в нашем обществе.

Ключевые слова: государство, общество, гражданское общество, контроль, субъект, право, общественный контроль, философия.

Abstract. It is difficult to imagine highly developed countries, civil societies, etc. without public control. The reason is that in such societies public control occupies a high place. Based on this, it is appropriate to say that the formation of a civil society is impossible in countries where public control is not strong or sufficient. This article provides brief information on the role, meaning, tasks and socio-philosophical essence of public control in our society.

Key words: state, society, civil society, control, subject, law, public control, philosophy.

Жамоатчилик назоратининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини таҳлил қилишдан олдин “Жамоатчилик назорати” тушунчасининг бошқа турдош тушунчалар билан боғлиқлик томонларини, қолаверса улар орасидаги фарқларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда матбуотда (телевидения, радио, газета-журналлар, ижтимоий тармоқлар) ва илмий адабиётларда (илмий ҳабарнома, ўқув қўлланма, монография в.х.к) “жамоатчилик назорати, фуқароқлик назорати, ижтимоий назорат” каби бир бирига ўхшаш тушунчалар ишлатилмоқда. Бу атамаларни чуқурроқ ўрганб чиқадиған бўлсак баъзан “жамоатчилик назорати”га нисбатан синоним маънода қўлланилса, баъзан эса умуман умуман бошқа нотоғри маъноларда ҳам қўлланилганлигини кўришимиз мумкин бўлади[1].

Жамоатчилик назорати ва ижтимоий назорати тушунчалари бир бирига жуда яқин туюлади. Аслида эса улар орасидаги умумий жиҳатлардан ташқари бир қанча фарқлар ҳам йўқ эмас.

Ижтимоий назорат билан жамоатчилик назорати ўртасидаги фарқ шундаки, ижтимоий назорат мазмун ва моҳият жиҳатдан жамоатчилик назоратига нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади ва ўз навбатида жамоатчилик назоратини ҳам ўз ичига олади. Қолаверса, ижтимоий назорат таркибига жамоатчилик назоратидан ташқари давлат назорати ва фуқаролар назорати ҳам киради. Бунга яққол мисол сифатида Мудофаа вазирлиги ҳузурида тузилган жамоатчилик (фуқаролик, фахрийлар, васийлик) кенгашини айтиш мумкин.

Жамоатчилик назоратига жуда кўплаб тарифлар берилган. Бни биз таъкидланайитган соҳа ва йўналишдан келиб чиқиб муқобилини танлаш орқали тартибга солишимиз мумкин бўлади. Аммо бу борада жамоатчилик назоратининг асосий хусусиятларини қамраб олган қуйидаги тарифадан фойдаланиш қолганларига қараганда ўринлироқ бўлади, яни, “жамоатчилик назорати – жамоат бирлашмалари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг амалдаги қонунларга мослигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича юритиладиган фаолиятдир[2]”.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов томонидан 2010-йил 12-ноябрда илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янақа чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси” да “Жамоатчилик назорати” тўғрисида қонун қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Айни дамда мамлакатимизда “Жамоатчилик назорати”ни қонун йўли билан тартибга солиш мақсадида амалдаги президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018-йил 12-апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонуни қабул қилинган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу соҳанинг давлат ва жамият ҳаётида қай даражада муҳим эканлигидан далолатдир. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир[3].

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг: қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга; ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга; давлат хизматларини кўрсатишга; ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг обектидир.

Жамоатчилик назоратининг асосий талаблари (принциплари) эса қуйидагича талқин қилинган: Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;
- жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;
- жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги[4].

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;

жамоатчилик эшитуви;
жамоатчилик мониторинги;
жамоатчилик экспертизаси;
жамоатчилик фикрини ўрганиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

Жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга; жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга; фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга; давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга; жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши; давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги; давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги; фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштишга йўл қўймаслиги; жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт[5].

Маҳалла фуқаролар йиғини катта куч сифатида шаклланишида жамоатчилик назорати етакчи ролни ўйнайди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг биринчи мақсади ҳам айнан маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш сифати белгилангани ҳам ушбу масаланинг концептуал асосларини мустаҳкамлайди. Демак, келгуси беш йилда мамлакатимизда амалга ошириладиган сиёсий ва маъмурий ислохотларнинг марказида маҳалла туради ва бу жараёнда жамоатчилик назорати муҳим ўрин эгаллайди.

Демократик либерализмнинг асосчилари – Жон Локк, Томас Жефферсон ва Шарль Монтеске асарларида ҳозирги классик маънодаги давлат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги концепсиялар илгари сурилади. Хусусан, ижтимоий шартнома ғоясининг ўзи жамоатчилик назоратини фалсафий жиҳатдан асослаб бера оладиган тушунчанинг ўзигинаси эди жейиш мумкин. Сабаби назорат айнан субъектнинг объект фаолияти устидан баҳолаш ва кузатиш жараёнининг ўзгинасидир. Бу борада жамоатчилик назорати субъекти бўлган жамият институтларининг давлат институтлари фаолияти устидан назорат қилиши ҳақида гап кетмоқда. Зеро, ҳокимиятнинг манбаси халқ эканлиги аён бўлгандан кейингина жамоатчилик назоратининг ижтимоий-фалсафий асоси пайдо бўлди [6].

Инсоният тараққиёти ғоялар ва фикрлар тараққиётидир. Шу нуқтаи назардан ҳам XX асрга келиб дунёнинг етакчи қомусий олимлари томонидан ҳуқуқ, сиёсат ва иқтисод соҳасидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб жамоатчилик назоратини мазмун моҳияти ва қамровини кенгайтириш бўйича қатор фалсафий концепсиялар ишлаб чиқилган ва уларнинг айримлари ўз даврида амалиётга татбиқ қилинган [7].

Жамоатчилик назорати фуқаролик институтларининг шакилланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тарзда ривожланиб боради. Фуқаролик жамияти ривожланб боргани сайин жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар, истиқболлар ҳам юзага кела бошлайди. Иккинчи томондан жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик институтларининг ривожланишига сабаб бўлади. Ривожланган ва кенг тарқалган жамоатчилик назоратини жамиятсиз (фуқаролик жамиятсиз) тасаввур қилиб бўлмаганидек, бил акс, фуқаролик жамияти ривожини ҳам жамоатчилик назоратсиз тасаввур қилиш қийин ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти жамоатчилик назорати ривожланиши учун имкониятлар яратишининг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил ва ҳолиш жамоатчилик назоратини, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларигина амалга ошириши мумкин.

Маҳаллада жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий муаммоси бу ўринда ҳуқуқ фалсафаси билан уйғунлашиб кетади. Энди Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунига мурожаат қилсак. Қонуннинг 3-моддасига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш о’рганлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир. Демак, маҳалла ўзининг барча жамоатчилик тузилмалари билан бирга давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади [8].

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш мумкинки, юртимиз раҳбари томондан илгари сурилаётган маҳалла институтини трансформатсия (янгилаш-тубдан ислоҳ қилиш) қилишга доир дадил ташаббуслар ўзининг чуқур илмий-назарий асосларига эгадир. Ушбу ислохотлар негизида турган ижтимоий-сиёсий контекст – бу фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми бўлган ижтимоий бошқарув ва жамоатчилик назорати институтларини ҳар томонлама кучайтиришдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Turayev B.O. “Borliq falsafasi”. – T.: “Falsafa va huquq instituti nashriyoti”, 2013 yil.
2. <https://arxiv.uz/ru/documents/slaydlar/huquqshunoslik/jamoatchilik-nazorati-va-davlat-organlari-faoliyatini-ochiqligi>
3. Tulenov J. Jamiyat falsafasi. Oltinchi bo‘lim – T., 2001 yil
4. <https://lex.uz/ru/docs/-3679092>
5. www.Lex.uz Jamoatchilik nazorati to‘g‘risidagi O‘zbekiston respublikasi qonuni
6. Jaxon falsafasi tarixidan lavxalar. I qism – T., O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashr., 2004 yil
7. www.adu.uz Taraqqiyot strategiyasining birinchi maqsadi.
8. Falsafa asoslari. – T., “O‘zbekiston” NMIU, 2005 y.

